



O‘zbekiston Milliy axborot agentligi
O‘zA Ilm-fan bo‘limi

Elektron jurnal
2023-yil may soni №05 (43)

Toshkent-2023

ХУРШИД ДАВРОННИНГ “СОҲИБҚИРОН НАБИРАСИ” АСАРИДА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Зиёда УСМАНОВА

ўқитувчи

Чирчиқ Давлат педагогика университети

Чирчиқ, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ўзбек насрида алоҳида ўрин тутадиган “Соҳибқирон набираси” асарида келтирилган “Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақидаги ривоят” таҳлил қилинган. Асарда келтирилган тарихий даврнинг манзараси, тарихий воқелик ва бадиий тўқиманинг уйғунлиги тадқиқ этилган. Асарнинг тили, ёзувчи услуби ва бадиий ижодий нуқтаи назарига доир кузатувлар амалга оширилган.

Таянч сўзлар: Амир Темур, Пирмухаммад Жаҳонгир, Ҳиндистон юриши, афсона, ривоят, образ, таҳлил, сюжет.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОСМЫСЛЕНИЕ ИСТОРИИ ТИМУРИДОВ В ПРОИЗВЕДЕНИИ ХУРШИДА ДАВРОНА «ВНУК САХИБКИРАНА»

Зиёда УСМАНОВА

Преподаватель

Чирчицкий государственный педагогический университет

Чирчиқ, Ўзбекистон

Аннотация

В статье анализируется «Легенда о смерти сына Амира Темура», содержащаяся в произведении «Внук Сахибкирана», которое занимает особое место в узбекской прозе. В работе исследуется картины исторического периода, гармония исторической реальности и художественной фактуры. Были сделаны наблюдения над языком произведения, авторским стилем и художественным замыслом.

Ключевые слова: Амир Темур, Пирмухаммад Джахангир, Индийский поход, миф, повествование, образ, анализ, сюжет.

Фольклор асосида муайян халқнинг бадиий-эстетик тафаккури, миллий ва умуминсоний қадриятлари, ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишонч мотивлари акс этади. Миллатнинг тарих майдонида чиқиши, тараққиёти ва менталитети, албатта, халқ оғзаки ижоди намуналарида тадрижий ифодаланади. Фольклорга оид манбалар негизида халқ ҳаётининг муҳим ва нозик қирралари гоҳ лирик, баъзан лиро-эпик шаклда намоён бўлади. Шунинг учун айнан халқ оғзаки ижодига мансуб асарларни халқ ҳаётининг бошланғич нуқтасидан хабар берувчи манбалар сифатида баҳолаш мумкин. Башариятнинг узок йиллик ривожланиш динамикаси, тарихий-ижтимоий ҳаёт йўли афсона, эртак, ривоят

ва дostonларда ўз аксини топган. Энг қизик жихати шундаки, бу жанрдаги асарлар у ёки бу шаклда замонавий адабиётга ҳам кўчадики, буни табиий ва зарурий жараён десак бўлади. Ўзбек халқ фольклори жанрлари орасида афсона ва ривоятларнинг бадиий талқини кўпроқ кўзга ташланади. Улар ёзувчи ёки шоирнинг бадиий ижодий нуқтаи назарига кўра иккига бўлинади: 1. Инсон ва унинг ахлоқий-маънавий категорияларини очишга хизмат қилган афсона ва ривоятлар. 2. Тарихий шахслар, жой номлари ва воқеалар ҳақидаги афсона ва ривоятлар. Кўпгина назарий манбаларда афсона ва ривоят баъзан бир-бирига яқин, баъзида эса алоҳида жанр сифатида кўрсатиладики, масаланинг мураккаб жихати ҳам ана шундадир. Бу икки жанр ҳажм ва сюжет жихатидан бир-бирига жуда ўхшаш бўлсада, айти вақтда ўзаро фарқли томонлари мавжудлиги билан мураккаблик туғдиради. Шу ўринда икки жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Манбаларда “афсона” сўзи сеҳр-жоду ва уйдирма билан боғлиқ ҳолда изоҳланган бўлиб, масалан, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да бу тушунчага қуйидагича таъриф берилади: “Афсона – 1. халқ оғзаки ижоди (фолклор) жанри. У хаёлот, уйдирма ва тўқимадан иборат бўлса-да, сўзловчи ва тингловчи томонидан ҳақиқатдек тасаввур этилади, ҳатто бўлиб ўтган даври, макон ҳам кўрсатилади. 2. Кўчма маънода – уйдирма, ёлғон, ақлга тўғри келмайдиган гап” [3;800]. Мазкур истилоҳга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса қуйидагича таъриф берилган: “Афсона – ҳикоя, нақл, уйдирма. 1. Фольклор жанри: авлоддан- авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келган уйдирма, тўқимадан иборат, баъзан диний мазмундаги ҳикоя, ривоят” [5;95].

Берилган изоҳлардан ҳам маълумки, афсона жанри учун уйдирма асос қилиб олинган. Бундай ғайритабиий, хаёл ва ҳаёт воқелиги қоришмасидан иборат бўлган афсоналар наслдан-наслга мерос бўлиб ўтар экан, унинг вариантлари пайдо бўлиши албатта табиий ҳол. Буюк юнон файласуфи Аристотель афсоналарни “ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоялар” дея шарҳлайди. Бу таъриф афсона жанри учун айнан мос келади.

Афсонадан фарқли ўлароқ, ривоятлар замирида тарихий воқелик ва аниқ шахслар ҳақидаги оғиздан-оғизга ўтиб келган ҳикоялар ётади. Улар, асосан, учинчи шахс тилидан ҳикоя қилинади. Афсоналарга хос бўлган сеҳрли буюмлар, ғайритабиий кучлар ривоятлар таркибида деярли учрамайди. Ривоятларнинг асосий қаҳрамонлари реал ҳаётда мавжуд, фақат бошқалардан кўра кучлироқ билим, қобилият ва салоҳиятга эга бўлган айрим шахслардир. Мана шундай шахслар сирасига Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур, Нажмиддин Кубро ва бошқа кўплаб тарихимизда салмоқли ўрин тутган буюк сиймоларни келтиришимиз мумкин. Улар ҳақида халқ орасида жуда кўп ривоятлар тарқалган. Бу ривоятлар аждодлар томонидан сайқалланиб авлодларга сўзлаб берилади. Шу тариқа улар халқ қалбида мангу яшаб қолади.

Замонавий ўзбек насрида ҳам сермахсул ижод қилаётган адиблардан Хуршид Даврон ижодида Самарқанд, темурийлар тарихи, тарихий шахслар образига кўпроқ мурожаат этилишини кузатамиз. Бундай асарларни ёзишда бадиий маҳорат, ёзувчилик истеъдодидан ташқари билим, халқ ўтмиши билан боғлиқ манбалардан хабардорлик ҳам талаб этилади. Хуршид Даврон лирикасида ҳам, драмалари ва насрида ҳам тарихимизнинг шонли ва қоронғу нуқталарини ёритиб беришга ҳаракат қилади ва бадиий ниятига муваффақият билан эришади. Унинг Амир Темур ҳаётига бағишланган “Соҳибқирон набираси” асарида “Амир Темур ўғлининг ўлими ҳақидаги ривоят” келтирилган бўлиб, Амир Темур шахсияти, инсон сифатидаги кечинмаларини ёрқинроқ тасаввур этишда муҳим ўрин тутди. Чунки ривоят бевосита унинг оталик ва ҳукмдорлик ҳис-туйғулари орасидаги қарама-қаршиликларни нозик илғашга ёрдам беради.

Адибнинг таъкидлашича, мазкур ривоят афғон халқи орасида кенг тарқалган бўлиб, соҳибқироннинг айнан Ҳиндистонга юриши билан боғлиқ жиҳатлардан хабардор этади. Лекин ривоятда Амир Темурнинг аниқ қайси ўғлининг ўлими тасвирлангани очик айтилмайди. Маълумки, буюк саркарда ҳаётлик чоғидаёқ икки ўғлидан жудо бўлади. Тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо 20 ёшида хасталиқдан вафот этган бўлса [2;416], иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо 1394 йил Шом уруши вақтида ўқдан яраланиб вафот этганлиги ҳақида тарихий фактлар мавжуд. Амир Темур топшириғига биноан унинг юришлари тарихини ёзган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарида шахзоданинг бевакт ўлими ҳақида шундай сатрлар учрайди:

“Амир Соҳибқирон Шом томонига юришни ирода қилган пайтида унга киши юбориб, чақиртирган эди. Фармонга биноан йўл яроғини тайёрлаб Шероздан чиқиб, Амир Соҳибқирон ҳазратларининг оёғини ўпишга етиш учун Бағдод йўли билан жўнаган ҳолда Бағдоддан тўрт манзил масофадаги кичик бир масофадаги кичик бир мавзегга етдилар. У жой Хармоту деб аталар ва унда бир нечта санокли уй бўлиб, қандайдир одамлар яшар эдилар. Жаҳон амирзодаси сайр қилиб, у мавзегга етди. Бир киши ўқ отаётган эди, тасодифан қазойи ногаҳондан бир ўқ келиб амирзодага тегди. Шу ондаёқ турган жойида ҳалок бўлди. Фалакнинг танг камонхонасидан чиқиб, арш ҳавосининг кенглигига етди” [2].

Ривоятда бир қатор темурий шахзодалар орасида Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг номи алоҳида тилга олинади. Бу шахзода ҳар жиҳатдан: кучда, ақлда, шиддатда, қатъиятда ва ҳатто ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам Амир Темурга жуда ўхшар эди. Бу ўхшашликдан баъзан Темурнинг ўзи ҳам ҳайратга тушиб, Аллоҳнинг кудратидан лол қолар эди. Балки шунинг учун ҳам Амир Темур вафоти олдидан айнан шу набирасини дунёнинг ярмини эгаллаган, фатҳлар натижасида қўлга киритган буюк давлатига валиаҳд тайин этгандир. Қолаверса, шахзода соҳибқироннинг тўнғич ўғли, бевакт вафот этган Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи фарзанди эди. Бу шахзода отасининг вафотидан қирқ кун ўтиб дунёга келганлиги учун Амир Темур уни ўғлининг омонати сифатида ҳам кадрлар эди. Шу боис уларнинг тарбияси, таҳсилига ҳам айрича эътибор қаратган.

Ҳиндистон юриши давомида бош кўтарган афғон қабилаларини бўйсундиришда ҳам Пирмуҳаммад Жаҳонгирни ёнида олиб юрган. Амир Темурнинг фармонига асосан Мўлтон юришига отланиш олдидан айнан Пирмуҳаммад Жаҳонгир афғонлар орасидан ўзига садоқат қасамини ичган Лашкаршоҳ афғонни қалъага кутвол этиб тайинлайди. Мусо афғон бошчилигидаги исёнкор афғонлар Темур шаҳарни тарк этиши билан яна қалъани қўлга киритадилар ва шахзода томонидан тайинланган кутволни қатл этадилар. Амир Темур душманининг орасидаги хиёнаткорлар кўмагида қалъани осонгина қайтариб олади. Ривоятнинг шу нуқтасида асосий образлар ота ва ўғил асар сюжетидаги кириб келади. Асарда икки ота ва икки ўғил образи марказий тушунчалардир. Асардаги ота образлари: хиёнаткор жийбаҳоначининг отаси, яъни, чол ва буюк саркарда – Амир Темурнинг ҳукмдорликдан оддий ота тимсолидаги метаморфозасидир. Бу ўринда ўғиллар тимсолига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бири ўз халқига хиёнат қилиб, Амир Темурга қалъа дарвозасини очиб берган ва бу “хизмати” эвазига буюк фотиҳдан марҳамат кутган нобакор бўлса, иккинчиси, ғанимга қарши мардона жанг қилган, ҳатто вужудини парча-парча қилиб ўлдирилганда ҳам душманга ғалаба шавқини суришга йўл қўймаган шахзодадир. Бу образлар ўртасида маънавий ва ахлоқий жиҳатдан жуда катта фарқ бор. Лекин инсонга хос ота-ўғил муносабатларида иккиси ҳам тенг. Амир Темур фарзандининг жанг ичидаги тақдири номаълум эканлигини эшитибок, узок

йиллар тайёргарлик кўрилган ва жаҳонгирнинг неча йиллик орзуси бўлган Ҳиндистон сафаридан ортга қайтди. Амир Темур фарзандининг дарагини билиш учун кечаю кундуз жанг қилди. Тонгга яқин туш кўрди. Бир зумгина давом этган уйкуда фарзандининг тақдири аён бўлди.

“Осмон-у фалакдан қуйилган кумуш шуъла оғушида бир аёл беланчак тебратарди. Беланчак иплари қаерга осилгани билинмасди. У аёлни таниди – у Тегина Моҳбегим, онаси эди. Аммо бешикда ўғли ётарди... “Ота, – деди ўғли жилмайиб. – Ота...” Бирдан ўғлининг товушини эшитди. “Онажон!...” [1;110]

Шу туш асар композициясида Амир Темурнинг “ота” сифатидаги хислатларини очиб беришда муҳим восита саналади. Ёзувчи Хуршид Даврон мазкур вазиятни бадиий талқин этар экан, айнан туш мотивини маҳорат билан асарга сингдирганини кузатамиз. Яъни, тушдагина Амир Темур ҳар қандай давлат масъулиятидан ҳоли, жангу жадаллар урҳоларидан йироқ оддий инсон ўлароқ намоён бўлади. Унинг ҳам руҳият қатламларидаги оталик меҳр-муҳаббати, ўз тақдири билан ёлғиз қолган киши эканлиги тасвирланади. Тушда ёзувчи айнан ўтмишга экскурс қилади, қаҳрамон қалбини ўтмиш, ҳозир, келажак призмаларидан ўтказишга интилади. Яъни, Амир Темурнинг тушига онасининг кириши ўтмиш, ўғлининг тушда намоён бўлиши ҳозир, унинг бола қиёфасига қайтиб қолиши тасвири эса мудҳиш келажак хабаридан дарак беради. Тушдан сесканиб уйғонган Соҳибқирон кўзидан беихтиёр бир томчи ёш оқиши ҳам ниҳоятда жонли тасвирланган. Бундай ҳолат биринчидан, ўта даражада кўркқанда, қувончли дамда ёки кучли азоб натижасида содир бўлади. Демак, бу томчи кўз ёш Амир Темурнинг ўзининг туши таъбиридан ҳосил бўлган қалб оғриғининг инъикоси ҳамдир. Умуман, мазкур асарда Амир Темур тақдири билан боғлиқ жиҳатларни баён этишда туш хронотопи муҳим ўрин тутади. Ўзининг тақдири, бўлажак жанг ёки сафарларнинг ниҳояси қандай барҳам топажаги ҳақидаги башоратлар саркардага илоҳий тушлар орқали баён қилингани ҳақидаги фактларни кўпгина тарихий асарларда ҳам учратишимиз мумкин. Бутун умри жанг-жадал ичида кечган улуғ ҳукмдор юлдузлар илмига ҳам қизикқан, мунажжимларнинг фикрларига қулоқ осган.

Амир Темур жанг асносида бу туш таъсиридан чиқиб кета олмайди. Қалъа бутунлай вайрон этилганда, шоҳчодирда ёлғиз қолган соҳибқирон бир зумга кўзини юмди. Аммо ухламади. Кечаги туш кўз ўнгида гавдаланди. “Бу сафар онаси йўқ эди. Беланчак ҳам бўм-бўш эди. “Ўғлим, ўғлоним...” – дея пичирлади Амир Темур” [1;119].

Амир Темур қалъани фатҳ этгач ҳам, ўғлининг тақдири ҳақида маълумотга эга эмас эди. Темур қалъа фатҳига киришган илк кундан бошлаб, тақдири жийбаҳоначининг отаси тақдири билан боғланди. Иккисининг ҳаёт йўллари тез-тез кесишиб турди. Ўғлининг ўлими хабарини ҳам соҳибқиронга мана шу чол етказди. Амир Темур ва чолнинг қисқа диалоги ҳам асарда муҳим ўрин тутади. Унда бу дунёдаги мавқемиздан қатъи назар, барчамиз ягона Аллоҳнинг бандаси эканимиз ва унинг ҳукмларига сўзсиз итоат этишимиз ҳақида пурмаъно фикрлар ўрин олган. Бу фикрлар, асосан, чол томонидан билдирилади. Амир Темур бу мулоҳазаларни маъқуллайди. Шу ўринда қадим эпосларга хос идиллиявийлик майдонга чиқади. Чол Амир Темурга тонг маҳали бир йигитнинг қатл этилгани хабарини айтади. Худди шу вақт ёз бўлишига қарамай, тонг маҳали ёмғир ёққан ва бутун борлиқни шишадай артиб тозалаган эди. Худди шу паллада Темур туш кўрган: онаси, беланчак ва ўғли. Инсон зоти бирор нарса ҳақида жуда қаттиқ ўйланса, шу ҳодиса унинг бутун хаёлини, хатто уйқусини ҳам банд қилади. Айниқса, бир-бирига қалбан яқин инсонларнинг аҳволлари бир-бирига тушлар орқали аён бўлиши тез-тез

учраб турувчи ходиса. Туш кўриш инсоннинг психологияси билан боғлиқ жараён бўлиб, унга қуйидагича таъриф берилади: “Туш, туш кўриш – уйқуда содир бўладиган субъектив психик ходиса... Тушда уйқудаги киши аниқ ва тасвири кечинмаларнинг шохиди бўлади. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бир оз ноаниқ, ҳаяжонли тус олади... Тушнинг хусусияти кишининг нерв системаси типига, унинг соғлигига, маълум даврдаги кечинмаларига боғлиқ” [4;685].

Тушга вафот этган яқин қариндошларнинг кириши мавжуд хавф-хатардан огоҳлантириш, ўз тақдирини билиб олишга ишора ҳисобланади. Темур эса бундай туш таъбирларини жуда кўп эшитган ва уларнинг айримлари унинг ҳаётида ўз тасдиғини бир неча бор исботлаган. У кўрган тушларининг илоҳий эканига ишонар эди. Барча ходисалар табиий. Хатти-ҳаракатлар табиий. Темур неча йиллардан бери саркардалик қилаётган бўлса, шу давр ичида ҳеч ким унинг кўзига тик қараган эмас. Ҳамма унинг қахридан кўрқади. Бирор зот унинг ҳам оддий инсон эканлигини, унда ҳам одамга хос хатолар, пушаймонлик бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмайди. Ёлғиз мана шу чолгина унга ҳақиқатни айта олади. Аллоҳ олдида ҳамма тенг.

Чолнинг қатл манзараси ҳақида айтганларини тинглаган Темур фарзандининг матонатидан, сабридан ғурур туйди ва буни ҳеч кимдан яширмади. Аммо чолнинг сўнгги сўзлари ўғлининг юрагини суғуриб олаётганларида биргина “Оҳ” тортиши “ҳукмдор” ва “ота” образларини бир-бирига зид қўйди. Бу мубоҳасада зоҳиран ҳукмдор енгган бўлса-да, аммо аслиятда ота сифатидаги Темурнинг дилида буюк бир оғриқ пайдо бўлди. Буни ривоятдаги қуйидаги парчада ҳам кўришимиз мумкин:

– Йўк, у йигит менинг ўғлим эмас!

Шу гапни айтиши билан соҳибқироннинг кўз ўнгини бир зум кумуш ёғду тўсди. Кумуш ёғду аро чайқалган беланчакни кўрди. Бироқ беланчак бўш эди. “Ўғлим!” – дея товушсиз ўртанди жаҳонгир.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Амир Темур ўғлининг ўлими билан боғлиқ воқеа афсонадан кўра кўпроқ ривоят жанрига мос келади. Иккинчидан, “Темур тузуклари”ида бу воқеага доир фактлар учрайди. Учинчидан, тарихий илдизларига эга воқеани ривоят, ишониш мумкин бўлмаган, ақл бовар қилмайдиган воқеаларни афсона деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Даврон Х. Соҳибқирон набираси. – Тошкент: Шарқ, 1995. – 220 б.
2. Шомий, Низомиддин. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 550 б.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000. – 880 б.
4. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 8 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 458 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.



К.З.АХМЕДОВА. Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” тазкирасида Бобур сиймоси.....	118
М.Ж.БЕГМАТОВА. Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асарида келтирилган жой номларининг тавсифи ва таснифи	123
З.УСМАНОВА. Хуршид Давроннинг “Соҳибқирон набираси” асарида Темурийлар тарихининг бадиий талқини	129
Ш.МУХАММАДАЛИЕВА. Ўсимлик билан боғлиқ рамзлар талқини.....	134
Ш.ҚУРАҚОВА. Семиотика ва пиктография муносабати	139
Р.А.ЧЎЛИЕВ. Абдулла Қодирий кичик прозаик асарларида қўлланган ижтимоий қатлам, касб-хунарни англатувчи лексик бирликлар	146
Н.К.МУРОДОВА. Блогерлик фаолиятида ихтисослашув ва универсаллик масалалари	152
Ю.ЖОВЛИЕВА. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги образлар тавсифи	156

ФАЛСАФА

А.А.БОЛТАЕВ. Ибн Арабий таълимотида “ваҳдатул вужуд” тушунчаси	161
И.А.СУВАНОВ. Глобаллашув шароитида ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари.....	166
Ш.Ш.ШАЯКУБОВ. Перспективы развития гражданского общества в Узбекистане.	172

ТАРИХ

Ф.А.АДИЛОВ. XX асрда Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг таълим соҳасидаги алоқалари тарихи	179
Н.Ш.МУҲАММЕДОВА, У.Қ.ХОННАЕВА. Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида спорт мавзусининг ёритилиши: тарих ва бугун	184
З.В.ХОЛДОРОВ. Туркистонлик ҳарбий асирларнинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тақдири.....	191

ТЕХНИКА

А.А.САИДОВ, Ш.О.ШАРИПОВ. Автоматлаштирилган логистик бошқарув тизимларида ахборотлар алмашинуви жараёнларининг илмий-услубий асослари	196
Ш.А.АНАРОВА, Ж.С.ЖАББАРОВ, Ғ.К.БАХРИДДИНОВ. Фракталлар назарияси асосида қон томирларни геометрик моделлаштириш.	209
А.Х.РАСУЛЕВ, М.Ё.КУЛДАШЕВА, Ш.Ж.УРАЗКУЛОВА. Развитие технологии освещения и основные этапы создания источников света.....	215